**Ушбу сонда:**

2 **АМНИСТИЯ** хатоларни тушуниш ва тузатиш, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиш учун катта имконият

3 **«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА**

4 **ҚАЛБЛАРГА ИЛИҚЛИК БАҒИШЛАБ**



ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 23 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 11 март, жума № 40 (1881)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҒАНИМАТ ДАМЛАР сўрайди қадрин

*Лавҳа*

Ҳар кунги одатига кўра Шукуржон ишга барвақт келиб, цехларни айланишга киришди. Иш вақти бошлангач, тикувчилик цехида бир ўрин бўш қолди. «Гулжанойга, нима бўлди экан, у энг интизомли ишчилардан эди» ўйлади у. Шукуржон хонаси томон йўл олган ҳам эдики, шошиб келаётган аёлга дуч келди. Бу Гулжаной эди.

– Кечирасиз, опа, - деди у ва иш столига ўтирди.

Шукуржон бу аёлнинг хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни анчадан буён сезиб юрганди. Шўх, шодон юрадиган ишчи кейинги пайтларда маъюслашиб қолганди. Тушлик пайтида Шукуржон Гулжанойдан ҳол-аҳвол сўради:

- Ётоқхонадан бир хона олиб тургандик. Турмуш ўртоғим ва тўрт болам бу хонага сиғмаяпмиз. Кичик ўғлим хасталаниб қолди. Ҳозир қишлоқдан, ойимникидан қатнаяпман, – деди у.

«Феруз-Хоразм» ҳиссадорлик бирлашмаси касаба уюшма қўмитасига етакчилик қилаётган Шукуржон Машарипова шунда дангалчасига:

– Шаҳардан ер олиб берамиз, уй қурасан, – деди.

– Билмадимов, қўлимиз қисқа, опажон.

– Ҳечқиси йўқ, ёрдам берамиз, қолаверса, қариндошларинг ҳам қараб туришмас!

Шундай қилиб Шукуржон бирлашма маъмурияти билан биргаликда шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилиб, Гулжанойга томорқа олиб берди. Қурилишига ҳам ёрдам қилди. Натижада бирлашманинг яна бир ишчиси уйли-жойли бўлиб қолди.

1979 йилдан касабақўм раиси сифатида фаолият юритиб келаётган Шукуржон ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бирлашмага Клара Жумамуротова раҳбарлик қилади. Бу тиниб-тинчимас, уддабуррон аёл бир пайтлари тикувчилик фабрикаси сифатида ташкил этилган, кейинчалик бўлиниб кетган фабрикани қайта тиклаб, ҳиссадорлик бирлашмасига айлантирди. Бунга ҳам қаноат қилмасдан, бирлашма базасида «Бизингтруд-Хоразм» масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилди. Жамият ва бирлашма ишчи-хизматчилари трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошладилар. Корхонани кенгайтириш ва юритиш учун арзон хом-ашё топиш зарур эди. Клара касабақўм раиси билан маслаҳатлашиб, вилоят раҳбарларидан кўмак олиб, «Осиё-текстил» Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонасини очишга муваффақ бўлди. Шундан кейин иш юришгандан-юришиб кетди. Қўшма корхонада тайёрланган пахта толаси масъулияти чекланган жамиятда ранг-баранг тусда товланадиган чиройли хомашёга айланади. Кейин бирлашма тикувчилари қўлида бу хомашёдан турли хил кийим-кечаклар тайёрланади. Айни пайтда бу ерда 400 нафар киши иш билан таъминланди.

Вилоят раҳбарлари тиришқоқ, ишнинг кўзини биладиган Клара Жумамуротова қобилиятини ҳисобга олиб, «Тадбиркор аёл» нодавлат, нотижорат ташкилотига раҳбарликка тавсия этишди

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БАХМАЛ БАҲОРИ

***Чўққилари қор билан қопланган Моргузар тоғи этакларида жойлашган Бахмал туманига ҳамал бошқа жойларга нисбатан кечроқ киради. Бироқ бахмаллик миришкор кўклам юмушларини аллақачон бошлаб юборган.***

- Ер ўзингники бўлгач, янада сергак тортиб қоларкансан киши, - дейди «Меҳриобод» фермер хўжалиги раҳбари Жамол Жуманов. - Қишда ер дам олса ҳам биз тинмадик. Етти гектар ерга ғалла экиб, тўлиқ ундириб олгандик. Қиш бўйи ғаллазорга гўнг-ўғит сочдик.

Жамол ака - тажрибали деҳқон. Фермер хўжалиги ташкил этиб, мустақил иш бошлаганига ўн йилдан ошяптики, ҳали бирор марта бармоқ тишлаб қолган эмас. Ҳар йили давлатга ғалла сотиш шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажаради. 2004 йилда ҳам меҳнати самарали бўлди. Ғалласининг ҳосилдорлиги гектарига 41 центнерни ташкил этди. 40 тоннадан зиёд пиёз, 42 тонна помидор етиштирди. Хуллас, даромад ёмон бўлмади.

Ўзининг трактори, плуг, сеялка каби техникаси бадастир. Ўғиллари - атрофида. Ўтган йил охирида «Боғишамол» ширкат хўжалиги тугатилиб, ери фермерларга бўлиб берилди. Жамол ака ҳам тендерда қатнашиб, қўшимча тўрт гектар олди. Шунда қарамоғидаги ери тўққиз гектарга етди.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Мамарасул Бобобековнинг айтишига қараганда, тоғолди ҳудудининг салқин иқлими картошкачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик учун қулай. Қолаверса, уларни ғалла билан алмашлаб экиш яхши самара беради. Шунинг учун туманда кейинги йилларда мева-савзавотчиликни ривожлантиришга эътибор кучайган. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тугатилаётган паст рентабелли ширкатлар ўрнида ташкил этилаётган янги фермер хўжаликлари орасида мева-сабзавот, боғдорчилик, чорвачилик соҳаларига ихтисослашаётганлари ҳам анчагина.

Тумандаги 1 минг 11 фермер хўжалигининг 666 таси ғаллачилик, 229 таси сабзавотчилик, 90 таси боғдорчилик билан шуғулланади. Бу тармоқларнинг ривожланишига туманда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар сони кўпаяётгани ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир помидорни қайта ишлайдиган иккита, мева-сабзавотни қайта ишлайдиган битта корхона фаолият кўрсатаётир. Маҳсулот етиштирилса бас, харидор тайин. Мева-сабзавотни улгуржи хард қилиш ва сақлаш билан шуғулланадиган корхона очиш учун ҳаракат бошланган.

- Юртбошимиз Ислом Каримовнинг биз, фермерларга бераётган катта эътибори туфайли ҳам даромадимиз ортаяпти, ҳам элимизнинг дастурхони тўкинлашиб бораяпти, - дейди Ж.Жуманов. - Маҳсулот етиштириш, сотиш билан боғлиқ кўплаб муаммо ечимини топди ва топмоқда. Бундай эътибор бизни янада ғайрат кўрсатиб ишлашга ундамоқда.

**(ЎзА)**

***Бешариқ ширкат хўжалигига қарашли биолаборатория хизматидан ғўза парвариши даврида зараркунандаларга қарши курашда деҳқонлар кенг фойдаланишмоқда. Жорий йил мавсумида бу ерда 34,5 килограм трихограмма, 9 миллион 375 минг дона бракон ва 6 миллион 250 минг дона олтинкўз биомаҳсулотлари етиштириш режалаштирилган.***

***Биолабораторияда ғўза зараркунандаларга қарши биомаҳсулотлар авлодини янгилашга катта эътибор қаратилган. Бу ерда парвариш қилинган фойдали ҳашаротлар ёрдамида хўжалик пахтакорлари анча маблағ иқтисод қилишмоқда.***

***Суратда: биолаборатория лаборанти Н.Назирбоева.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**



## ЯШАМОҚ - ОЛИЙ БАХТ фақат унинг қадрига ета билиш лозим

Афсуски, баъзи кимсалар ўз бурчини унутиб қўяди. Нодонлиги, уқувсизлиги, эътиқодининг сустлиги боис жиноятга қўл уриб, қинғир йўлларга кириб кетади. Шубҳасиз ҳар қандай давлатнинг қудратли бўлиши учун юксак малакали, аҳлоқан баркамол шахслар керак. Шахснинг фуқаролик жамиятидаги ўрнини Президентимиз шундай баҳолайди: «Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Унинг ҳаётини ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу миллат фарзандлари бунёд этамиз».

Дарҳақиқат, қайси мамлакатда шахснинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари қонун томонидан ҳимояланса, қўриқланса, бундай давлатда умумий манфаатдорлик, тинчлик ва осойишталик кўнгилдагидек бўлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг рўй бераётган ўзгаришларнинг барчаси аввало ҳар бир кишига қулай шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор қаратилганидир. Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг эълон қилиниши ҳам бунинг яққол далилидир. Фармон шарофати билан билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларнинг кўпчилиги қайтадан ўзларини ўнглаб олиш имконига эга бўлмоқдалар.

***(Давоми 2-бетда)***

## ФЕРМЕР ҲАҚИҚИЙ ФИДОЙИ

***Қизириқ - Сурхон воҳасидаги энг ёш туманлардан бири. Ўша пайтларда деярли ҳамма туманлардан тажрибали деҳқонлару, боғбонар ва чорвадорлар чўлни ўзлаштиришга жалб этилган эди. Ҳаттоки, Деҳқонобод ва Бойсун тоғларида яшовчи чорвадорлар ҳам ўзларини деҳқончиликда синаб кўриш учун кўчиб келишган...***

Бободеҳқон меҳнати туфайли минглаб гектар ер ўзлаштирилиб, пахта етиштирилди. Чўлқуварларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига улкан ишлар қилинди. Қақраган даштлар боғу-бўстонга айланди. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида Сурхондарёда энг илғорлардан бўлишди. Ҳар йили режалар ошиғи билан бажарилди. Шу билан бирга турли маданий-маиший бинолар, турар жойлар қурилиб, туман маркази ҳам йилдан-йилга обод бўлди, шаҳар тусини олди.

Аммо негадир сўнгги йилларда сурункасига қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахта етиштириш ва давлатга сотиш режаси бажарилмади. Ариқ ва зовурлар тозаланмаганлиги боис, ерларни яна шўр босди. Натижада ширкат хўжаликларида қарздорлик ошди. Ишловчиларга иш ҳақи ўз вақтида берилмади. Натижада деҳқоннинг ишдан кўнгли совиди.

Бироқ изланса имкон топиларкан. Бу ерда ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерлик ҳаракати ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топгач, олинаётган ҳосил салмоғи ҳам ошди. Туман раҳбарлари фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари натижасида, улар сафи 512 тага етди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига мувофиқ зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликларидан 6 таси тугатилиб, улар ўрнида 94 та янги фермер хўжалиги ташкил этилди.

- Ҳозирги кунда улар ҳисобида 22 минг гектар ер мавжуд. Экин майдонининг 93 фоизи фермерлар ихтиёрида, - дейди деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Асқар Тўраев. - Уларга хизмат кўрсатиш учун жойларда қўшимча муқобил машина-трактор парки, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари ва агрохизмат марказлари ташкил этилди.

Рустам Шоимов фермер хўжалиги 2001 йилда ташкил топган бўлса-да, туманда энг илғор хўжаликлардан. 100 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер ҳосилдорликни йил сайин оширмоқда. Бултур ғаллачиликда ҳосилдорликни 65 центнерга, пахтачиликда эса 35 центнерга етказди. Олинган даромаддан янги техникалар сотиб олди. Етимкўл қишлоғи кўчасини таъмирлади. Асосийси, 20 нафар ишловчи етарли даражада рағбатлантирилди.

Меҳнатни ташкил қилиш ва одамлар манфаатдорлигини оширишда тадбиркорлик билан иш юритаётган фермерлар сони янада кўпаймоқда. Жумладан, "Қорақасмоқ", "Азимхон Усмонов", "Муборак РП" ва "Ашурбобо" фермер хўжаликлари каби мулкдорлар нафақат юқори унумдорликка эришмоқда, балки хайрли ишларда ҳам кўпчиликка ўрнак.

Доноларимиз "ерга хиёнат - элга хиёнат" деганларидек, уқувсизлигидан чув тушиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. "Қурашбобо" ва "Қийғашли" фермер хўжаликлари ана шундайлар сирасидан. Шу боисдан улар ихтиёридаги 121 гектар ер майдони қайтариб олинди ва танлов асосида бошқа мулкдорларга берилди.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Ислоҳот инсон учун*

## АЁЛ ИШЛИ БЎЛСА...

*Фармон ва ижро*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида аёлларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифани бажариш юзасидан Жиззах вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Жиззах шаҳридаги «Зилолатекс» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш технологиялари янгилангач, қирқдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бугун корхонада 150 нафарга яқин қиз-жувон меҳнат қилмоқда. Шунингдек, ўтган йил Мирзачўл, Зарбдор туманларида ишга туширилган ун заводларида, Пахтакор туманидаги «Жиззахқоп» корхонасида юздан зиёд аёл иш билан таъминланди. Жиззах шаҳрида, Ғаллаорол, Зомин туманларида очилган бичиш-тикиш цехларида ҳам ишга янги келган хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқда.

Вилоят аҳолисининг ярмидан кўпроғини - 560 минг нафарини ташкил этадиган хотин-қизлар барча соҳаларда фаол иштирок этмоқда. Улар орасида етук раҳбарлар, фан ва маданият арбоблари, тажрибали фермерлар, йирик тадбиркорлар талайгина. Аммо вазиятга Президентимиз Фармонида қўйилган талаблар нуқтаи назаридан баҳо берилса, ишлаш имкониятига эга хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида муаммолар кўплиги аён бўлади.

«Хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган вилоят дастури»да ана шу муаммони ҳал этишга қаратилган аниқ чора-табирлар белгиланган.

Жиззах шаҳрида бу йил очилиши мўлжалланаётган «Жиззах-ЮБУС» қўшма корхонасида етмишга яқин иш ўрни яратилади. Шунингдек, мавжуд корхоналарнинг қувватини ошириш, кенгайтириш ҳисобига ҳам иш ўринлари сонини кўпайтириш мўлжалланган.

Дастурда 2005-2007 йилларда қишлоқларда яратиладиган янги иш ўринларининг аниқ манзил ва муддатлари кўрсатилган. Дўстлик туманида иш бошлайдиган иккита қўшма корхонада аёллар учун 240 иш ўрни ажратилади. Бахмалда очиладиган томат ишлаб чиқариш, Ғаллаоролда қурилаётган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида, Зоминдаги ун, Пахтакордаги ёғ, Янгиободдаги чинни заводларида ҳам аёллар учун янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

* * *

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши автомобилсозлар учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналарда ҳам ишлаб чиқаришнинг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, «ЎзКоджи» қўшма корхонасида кейинги пайтда қўшимча 70 иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 40 тасини хотин-қизлар эгаллади. Бу ерда автомобиллар учун электр симлари ва тасмалар тайёрланади.

- Корхонада меҳнат қилаётган 400 дан ортиқ ишчининг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади,- дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари К.Умаралиева. - Биз бу ҳолатни ҳисобга олганмиз. Корхонада меҳнат қилиш ва дам олиш учун зарур барча қулайликлар яратилган. Яқинда ишчи ва хизматчиларни уйларидан ишга олиб келиш учун яна битта автобус сотиб олдик.

**(ЎзА)**

## ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН СОВҒА

Ўтган йилнинг охирида шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда «СамКочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган қирқта янги автобус қатнай бошлаган эди. Баҳорнинг илк кунларида эса автотранспортчилар навбатдаги совғани туҳфа этишди. - Вилоят марказининг серқатнов икки йўналишида Павлов автобус заводида (Россия) тайёрланган ўн саккизта янги «ПАЗ-32054» автобуслари йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Эътиборли томони шундаки, шаҳар транспортида йўл ҳақи бор-йўғи 50 сўм бўлиб, хусусий йўналиш таксиларидан тўрт баробар арзон.

- Лизинг асосида мамлакатимизда ва Россияда ишлаб чиқарилган автобуслар сотиб олингач, «Наманган шаҳар 11-автобус саройи» АЖдаги техника воситаларининг сони 97 тага етди,- дейди автокорхона бошлиғи Аҳмаджон Ҳожиев. - Бу вилоят ҳокимлиги ва автотранспорт корхоналарининг жамоат транспорти таркибини янгилаш ва замонавийлаштиришга қаратилган ишлари натижасидир.

## БУЮК ЖАҲОНГИР қадами етган табаррук маскан

***Чайдари қадимий тарихга эга. Қишлоқдаги Товошартепа, Чимритепа, Найматепа, Қизилбоштепа қирларида топилган осориатиқалар ўтмиш авлодлар ҳаётидан дарак беради. Жуғрофий ҳолатига кўра анча пастда жойлашган. Қадимда қамиш, хилма-хил гиёҳларга қопланган кенг яйлов бўлган. Буюк жаҳонгир Амир Темурнинг қадами етган табаррук маскан.***

Истиқлол йилларида Чайдари янада чирой очиб, Қашқадарё вилоятидаги кўркам ва обод манзилгоҳга айланди. Қишлоқ инфратузилмасида катта ўзгаришлар рўй берди.

– Ҳудудимизда 2100 та хонадон бўлиб, 9100 дан ортиқ аҳоли яшайди, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуришид Холиқов. – Учта қишлоқ ва 5 та маҳаллага бўлинган.

Қишлоқда Америка Қўшма Штатларининг Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) томонидан инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган дастурлар амалга ошириляпти. Дастлаб аҳоли томонидан 1 миллион сўм маблағ тўпланиб, 1 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. 680 та хонадон газлаштирилиб, харажатлар халқаро жамғарма ҳисобидан қопланди. Марказдан олисда жойлашган Ғозли ва Қўтонтепа массивларида яшаётган 580 та оила «зангори олов»дан фойдаланяпти.

Абдураззоқ бобо Холиқов 2 йил мобайнида хўжаликка раҳбарлик қилиб, ортидан ўчмас из қолдириб кетди. Саховатпеша инсон ташаббуси билан қурилган 800 ўринли маданият саройи қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Отанинг содиқ фарзанди, қишлоқ фуқаролар кенгаши раиси Абдуришид Холиқов хайрли ишга қўл урди. ЮСАИД ҳамкорлигида маданият кошонаси таъмирдан чиқарилиб, турли тўгараклар очилди. Ҳозир Зубайда Аллаёрова мудирлик қилаётган кутубхонанинг мухлислари кўпайиб бормоқда. Гулбаҳор Султонова ишлаётган «Гўзаллик салони» хотин-қизлар билан гавжум. Сураткаш Илҳом Ашуров мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Тўй-ҳашамлар ўтказиладиган 250 ўринли зал шинам қилиб безатилган.

Жисмоний тарбия ва спорт – саломатлик гарови. Ҳар иккала томондан 16 миллион сўм ажратилиб, замонавий мажмуа қад кўтарди. Бу ерда енгил атлетика, футбол, бокс, баскетбол, теннис, волейбол майдонлари, кураш ва бокс зали, ювиниш-ечиниш, мураббийлар хоналари мавжуд. Тажрибали мураббий Абдуназар Умаров ёшларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мароқли ўтиши учун астойдил жон куйдирмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллалардаги 2200 дан ортиқ вояга етмаган ёшлар спорт тўгараклари машғулотларига жалб этилган. Мавжуд 3 та мактабнинг барчасида спорт майдончалари қурилиб, ишга туширилди.

Врачлик пункти, маҳалла гузари, дорихона, новвойхона, ошхона, сартарошхона, ўнлаб маиший хизмат савдо тармоқлари аҳоли хизматида. Кўп тармоқли «Ўзбекистон» хусусий корхонасининг очилиши юзга яқин йигит-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди. Корхонада пахта титиш цехи, тегирмон, мой жувоз ишлаб турибди. 3 гектарлик иссиқхонада сабзавот маҳсулотлари, турли хил кўчатлар етиштиряпти.

Ҳозир артезиан қудуқларига насос ўрнатиш ва аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 7,5 миллион сўмлик яна бир лойиҳа амалга ошириляпти. Кўчаларни асфальтлаштиришга киришилди.

Ҳудудда фаолият кўрсатаётган юздан зиёд фермер ва ишбилармонлар ижтимоий ҳимоя тадбирларида фаол қатнашишяпти. «Абдураззоқ ота» фермер хўжалиги биринчи гуруҳ ногирони Салим Қўчқоровни, «Ориф бобо» фермер хўжалиги нафақахўр Оқбўта Ёқубовни, «Авлаёр» фермер хўжалиги ногирон фарзандлари бор Шарофат Хайитова оиласини ҳомийликка олган.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ПРЕЗИДЕНТИМГА РАҲМАТЛАР АЙТАМАН



Одам боласи доимо қилаётган ишининг оқибатини ўйлаши керак экан. Баъзида арзимас бўлиб туюлган хато вақти келиб қимматга тушиши мумкин. Ўз ҳаётимда бунга ишонч ҳосил қилдим. Пушаймонманки, асти қўяверинг. Тан олиб айтаман ғўрлигим, эътиқодимнинг сустлиги туфайли кимларнингдир пуч ваъдаларига учдим. Вақт ўтиши билан хатоимни тушуниб, виждон азобида қийналдим. Ҳақиқат доим аччиқ бўлади. Ана шу ҳақиқатни ҳазм қилиш эса унданда оғир.

Дўстларим, тенгқурларим ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор топиб ота-оналари, яқинларининг юзини ёруғ қилишмоқда. Мен эса уйдагиларни куйдирдим. Юрагимни яна бир нарса ўртайди. Уч нафар фарзандимнинг тақдири ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмабман. Жазони ўташ маҳкамасида ўтган кунларим том маънода азобли бўлди. Ўкиниб, ўзимни асло кечиролмасдим. Эркин яшаш, севган касбингда меҳнат қилиш нақадар катта бахт эканлигини чуқурроқ англадим.

Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони мен каби алданганлар, адашганлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Қадрдонларим бағрига қайтдим. Ҳозирда туманимиздаги фермер хўжалигида меҳнат қиляпман. Ҳалол меҳнатнинг нони ширин. Ишончим комил, Президентимиз меҳрибонлигига, ишончига жавобан ҳалол ишлайман, ҳалол яшайман. Эл корига яраш учун ўзимни ҳамиша сафарбар деб биламан.

**Озод АВАЗНИЁЗОВ,**
**Урганч тумани**

Амнистия туфайли жазони ўташдан озод этилган Р.Тиллаев (суратда) хатосини тушуниб, ҳаётда ўз ўрнини топишга эришди. У Тошкент трактор заводига ишга кириб, мураббийи И.Шевцов ёрдамида касб сирларини пухта ўрганмоқда. Корхонада соғлом муҳит яратилганлиги, меҳнатга яраша ҳақ тўланаётганлиги, аксарият цехлардаги шароит кўнгилдагидек бўлганлиги иш унумдорлигини оширмоқда.

– Энди хатолар такрорланмайди, Президентимиз меҳрибонлигига ҳалол меҳнатим билан жавоб бераман, - дейди биз билан суҳбатда Р.Тиллаев.

**Ғ.ХИДИРОВ**
**олган сурат**

*(Боши 1-бетда)*

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони жорий йилнинг 1 март ҳолатига 45 мингдан зиёд шахсга қўлланилиб, деярли 30 минг шахс жазодан озод этилди.

Фармоннинг 1-моддаси «а» банди 3 мингга яқин аёлларга, «б» банди 800 дан ортиқ жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга, «в» банди 180 нафар 60 ёшдан ошган эркакларга, «г» банди 83 нафар жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган, биринчи марта судланган чет эл фуқароларига нисбатан қўлланилди.

Фармоннинг 2-моддасига мувофиқ эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган 15 мингга яқин шахслар озод этилди. Фармоннинг 3-моддаси жазони ўташга тўсқинлик қиладиган, яъни оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гурух ногиронлари деб топилганларга, 4-моддаси озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган 4500 дан зиёд шахсга, 5-моддаси экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон

# ЯШАМОҚ - ОЛИЙ БАХТ

## фақат унинг қадрига ета билиш лозим

Республикасининг Конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига ўтган 350 дан ортиқ шахсга тадбиқ этилди.

Фармоннинг 7-моддаси 16 мингдан ортиқ қасддан содир этган жинояти учун 10 йилгача ва 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга қўлланилиб, уларнинг ўталмай қолган жазолари тегишли тартибда қисқартирилди. Тергов ва суриштирув органлари томонидан жами 2 мингдан зиёд шахсга, жиноий ишлар бўйича судлар томонидан тўққиз ярим мингдан ортиқ шахсга, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХООББ жазони ижро этиш инспекциялари томонидан 16 мингдан зиёд шахсга, ЖИЭББ тизими ҳамда Ўзбекистон Республикаси МХХ тергов хибсхонасидан эса 17 мингдан ортиқ маҳкумга тадбиқ этилди.

Жазони ўташ жойларидан озод этилган, доимий яшаш жойларига қайтиб келган шахсларга жойлардаги мутасадди ташкилотлар томонидан зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ва соғлигини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, жамиятимиз ўзаги бўлган оила осойишталигини таъминлаш, инсонларга оиладаги соғлом турмуш тарзи афзалликларини тушунтириш мақсадида маҳаллалар ҳамда муассасаларда суҳбатлар ўтказилмоқда. Зеро, инсон жамиятда яшар экан, у фуқаро сифатида ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиш билан бир қаторда инсоний бурчини амалга оширмоғи лозим бўлади. Бундай шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар қайта жиноятга қўл уришларининг олдини олиш мақсадида Республика Прокуратураси ва ушбу Фармонни ижро этувчи органлар ҳамкорлигида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз қадимдан жамиятда яшовчи шахсларнинг инсоний фазилатлари ва хислатлари бўлмиш дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, одамийлик, инсонпарварлик каби фазилатларни улуғлаб келган. Инсон деган улуғ номга тўғри келмайдиган иллатлар - ғаразгўйлик, ёвузлик, худбинлик кабиларни қоралаган.

Шундай экан ҳар бир фуқаро яшаш деган олий бахт ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар қадрига етиб, ҳаёти давомида эзгу ишлар сари интилса олам гулистон бўлади.

**Абдуғаффор ЖУМАДИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма прокурори, адлия маслаҳатчиси**



Ҳозирги кунда шаҳар ва туманлар мослашув марказларида иш ҳар қачонгидан қизғин. Бу ерда амнистия туфайли авф этилган инсонларга керакли ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, Зангиота тумани ҳокимлиги қошидаги ижтимоий мослашув марказига мурожаат қилиб келган ҳар бир шахс ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

**Суратда: марказ раҳбари С.Исмоилов амнистия шарофати ила жазони ўташдан озод этилган фуқаро Қ.Маматкаримовга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бермоқда.**

**И.ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

# АМНИСТИЯ

## хатоларни тушуниш ва тузатиш, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиш учун катта имконият

* * *

***Жиноят ижроия кодексига киритилган ўзгартишлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларга муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини яратди.***

***Натижада жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча кўпайди. Яъни, 1990 йилда манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 21 фоизни ташкил этмоқда.***

* * *

***Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Айни пайтда ушбу кўрсаткич, масалан, АҚШда - 715, Россияда - 584, Украинада - 416, Қозоғистонда - 386, Қирғизистонда - 390, Эстонияда - 339 кишидан иборат.***

* * *

***Ўтган 10 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди.***

***Эндиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасддан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Айни вақтда қонунчилигимиз ўлим жазосининг хотин-қизларга, вояга етмаганлар ва олтмиш ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўлланилишини ман этади.***

***Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган шахслар амнистия шарофати билан жазодан озод этилиб, яқинлари бағрига қайтишга мушарраф бўлишди. Шубҳасиз, бундай шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишлари учун албатта кимнингдир ёрдами зарур. Бундай ҳолат маълум муддатгина амалга ошириладиган жараён бўлмай, балки доимий тарзда уларнинг ҳолидан хабар олиб, назорат қилиб боришни тақозо этади.***

# КВОТАЛАНГАН ЎРИНЛАР АЖРАТИЛДИ

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2003 йилдаги амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан вилоятда яшовчи жазодан озод этилган 445 нафар шахсга турли хилдаги ёрдамлар уюштирилди. 11 миллион 874 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилиб, ишлашни хоҳловчилар меҳнат бўлимлари ёрдамида ишга жойлаштирилди. Ҳозирда ушбу инсонларнинг баъзилари нон пишириш цехларида, қишлоқ хўжалигида ҳамда автослесар, сантехник каби касбларда меҳнат фаолиятини давом эттиришмоқда. Шунингдек, хусусий корхоналарда ишлашмоқда. Айни пайтда жазодан озод этилган инсонларни иш билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, квоталанган иш ўринлари ажратилган.

Албатта, ҳар қайси инсон меҳнат шароити яхши, рисоладагидек маошга эга бўлган касбда ишлашни хоҳлайди. Шулар ҳисобга олиниб, ишга кирувчи шахс иш жараёнида айрим муаммоларга учраб қолмаслигига эътибор қаратилган.

Айни кунларда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан жазодан озод этилган 181 нафар шахсдан 158 нафари ишга жойлаштирилди. Уларга 4 миллион 494 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоятдаги шаҳар ва туманлар меҳнат бўлимлари, даволаш муассасалари, ички ишлар ходимлари биргаликда мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида яқиндан ёрдам беришмоқда.

**С.ҚАЛАНДАРОВ,**
**Хоразм вилояти ҳокимлиги жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш маркази раҳбари**

# МУҲИМИ ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

***Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони шарофати ила Наманган вилоятидан жорий йилнинг январ ойи охиригача 200 нафарга яқин шахс ўз оиласига қайтиб келди ва ички ишлар бўлимлари ҳисобига қўйилди.***

Шунингдек, улар шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги жазони ўташ маҳкамаларидан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш марказлари томонидан ҳам ҳисобга олинди. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий ҳаётга мослашишларида кўмаклашиш чоралари белгиланмоқда. Келганларнинг ҳар бири биринчи навбатда соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Касаллиги аниқланганлар даволаш муассасаларига жойлаштирилмоқда.

Амнистия туфайли озодликка чиққанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирлари ишга солинмоқда. Бунинг учун вилоят бошқармаси томонидан 33 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Жазони ўташ жойларидан қайтганларнинг асосий қисмига энг кам ойлик иш ҳақининг олти баробари миқдорида моддий ёрдам берилмоқда.

– Озодлик қадрини тутқунликда яхши англадим, – дейди гиёҳвандлик воситалари савдо-сотиғи билан шуғулланганлиги учун озодликдан маҳрум этилган Норин туманида яшовчи Азиз Мамадалиев. – Жазо муддатининг 3 йилу 7 ойини ўтказганимда Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Шу туфайли муддатидан олдин озод қилиндим. Бу менга нисбатан кўрсатилган бағрикенглик, хатоларимни тузатишим, ҳаётда тўғри йўлни топиб олишим учун тенгсиз имкониятдир. Энди сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиб, эл корига ярашга, фарзандларимни меҳнаткаш инсонлар сифатида вояга етказишга ҳаракат қиламан. Чексиз меҳрибонлик учун Президентимизга раҳмат.

Вилоятимизда 2004 йил давомида жазони ижро этиш жойларидан бўшаб келган 775 нафар шахс ҳар томонлама қўллаб-қувватлани буларга 19 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 650 нафар шахс шаҳар ва туманлардаги ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш марказлари ва меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда ишга жойлаштирилмоқда. Паспорт олиш, ишга жойлаштириш, турар-жой ва бошқа масалалар билан мурожаат қилганларга ёрдам кўрсатилди. 53 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. Озодликка чиққанларнинг кўпчилиги «Наманганавтойўл» бирлашмаси ва унга қарашли корхоналарда, «Нотўқимачи», «Намангандон», «Учқўрғондон», «Наманган-Телеком», «Намангантекстил» акциядорлик жамиятларида меҳнат қилмоқдалар.

**Ёқубжон МАМАСИДДИҚОВ,**
**Наманган вилояти ҳокимлиги жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш маркази раҳбари ўринбосари**

***Мустақиллик йилларида миллатимиз қон-қонига сингиб кетган иймону инсоф, меҳр-оқибат, адолат ва тенглик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби қадриятларни мустаҳкамлаб, уларга янги мазмун бағишлашга алоҳида эътибор берилмоқда.***

# ҚАБИҲ НИЯТЛИЛАР

## борлигини унутмайлик

Қадр-қиммат инсонга тегишли хусусиятлар бўлиб, уларнинг ҳаёти ва соғлиги ёки шахсий эркинлиги бебаҳо бойликдир. Бу қоидалар Асосий Қомусимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ўзининг жамиятда тутган ўрнини англаб етиши унинг ҳаракат ва хулқини белгилаб беради. Шунга қарамай баъзи инсонлар билиб-билмай қилган ҳаракатлари оқибатида катта хатога йўл қўйганликларини афсуски кеч англаб етишади. Энг ёмони шуки, қонунга, инсоний ҳуқуқларга зид ҳаракатларнинг содир этилиши нафақат инсоннинг ўз ҳаётини, балки яна қанчадан-қанча одамлар ҳаётини издан чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш фуқароларнинг муқаддас бурчлари қаторида мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қомусимизнинг 48-моддасида қайд этилганидек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Афсуски, ана шу мажбуриятга амал қилмаётган, унга беписандлик билан қараётган кимсалар ҳам учраб туради. Шунга қарамай давлатимиз томонидан бундай шахслар ҳам маълум маънода ҳимояга олинган.

Шу ўринда Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонининг эълон қилиниши адашиб нотўғри йўлга қадам қўйган шахсларнинг ўзини ўнглаб олишлари учун берилган катта имконият эканлигини эътироф этиш жоиз.

Ушбу Фармон шарофати ила озодликдан маҳрум этилган баъзи инсонлар яқинлари бағрига қайтиш бахтига муяссар бўлишди.

Шу даврга қадар амнистия шарофати билан озодликка чиққан шахслардан 45 нафарига ҳар томонлама зарурий ёрдам кўрсатилди. Туман меҳнат бўлими ҳамда соғлиқни сақлаш ходимларининг ички ишлар ходимлари билан биргаликда фаолият олиб бораётганлари жазодан озод этилганлар учун ғоятда қулай бўлмоқда. Улар туман ички ишлар бошқармасининг ўзидаёқ ишга жойлашиш муаммосини ҳал этиб, соғлигини тиклаб олиш борасидаги маслаҳатни олиш имконига эга.

Жазодан озод этилганларнинг 18 нафари меҳнат бўлимлари ва жамоатчилик ёрдами асосида ишга жойлаштирилди. 9 нафар шахс мустақил равишда ўз ўрнини топди. Шу билан бирга туман ички ишлар бошқармасининг бўлинмаси томонидан амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан 183 нафар рўйхатда турган аҳлоқ тузатиш ишлари ва шартли синов муддати жазолари тайинланган шахсларга нисбатан ҳам амнистия қўлланилди. Ушбу шахсларнинг 33 нафари аёллар, 8 нафари вояга етмаганлар ҳамда 2 нафари 60 ёшдан ошган шахслардир.



**И.ДЎСТМУРОДОВ,**
**Мирзо Улуғбек туман ИИБ жазони ижро этиш инспекцияси бўлими бошлиғи, милиция майори**

# «АГАР МЕНИНГ ФАРЗАНДИМ БЎЛСАНГ...»

Муқаддас бундан бир неча йил олдин тўғри йўлдан адашиб ҳаммаси хамирдан қил суғургандай силлиқ кечади-ю, қилган жиноятимни ҳеч ким пайқамайди, деб ўйлаганди. Афсуски, унинг бу хомхаёли узоққа чўзилмади. Ўзини суд курсисига ўтиргани-ю, симтўрлар билан ўралган деворлар орасига бориб қолгани бамисоли тушдек кечди.

Яқинлари орқасидан зор йиғлаб қолгани эсида. Ҳар кун, ҳар дақиқа уни ўйлаб ич-ичидан эзилишади. Онаизори тунни кунга улаб фарзандидан хавотирда. «Эҳ болама, наҳотки, ўз қилмишинг билан мени, фарзандларингни бир умрлик азобга қўйганингни билмаган бўлсанг. Агар менинг фарзандим бўлсанг, маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар олдида мисқоллаб йиғилган оиламиз обрўсини тупроққа қориб ташлаганингни англаб ет, хулоса чиқар», - дея зорланади она.

Онаизорнинг илтижолари туфайлими Муқаддас Бойходжаева Президент Фармонига кўра озодликка чиқарилди. У яна яқинлари бағрида. Ўзига кўрсатилган меҳрибонликдан беҳад миннатдор.

Ўйлаймизки, Муқаддас ўз сўзининг устидан чиқиб, халқимизга муносиб фарзанд бўлади.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# БЕФАРҚ БЎЛМАНГ, АЗИЗЛАР!

Кейинги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, гиёҳвандлик кўчасига кириб қолганларни бу офат домидан қайтариш учун соғлиқни сақлаш ходимлари бор имкониятдан унумли фойдаланишмоқда.

Оғу асири бўлган инсон ҳамма нарсани, ҳатто яқинлари-ю болачақасинида унутиб фақат гиёҳванд модда топиш ва истеъмол қилиш илинжи билан яшайди. Ҳатто бундай инсонлар оиласидан осонгина воз кечишгача борадилар. Шу боис ногирон бўлиб туғилаётган гўдаклар сонининг кўпайишига сабаб бўлувчи гиёҳвандларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Баъзилар юртимиз келажаги соғлом авлод тақдири билан боғлиқлигини англаб етса ҳамки, гиёҳвандлик кўчасига қадам қўяди. Оила қўрғони барбод бўлиб, ўз умрига ўзи зомин бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Гиёҳвандликни ихтиёр этган инсон борки, унинг ҳаёти кутилмаганда ўз интиҳосини топиши мумкин. Шу боис гиёҳвандлик йўлига кириб қолганларни тўғри йўлга қайтариш борасида шифокорлар бор имкониятлардан унумли фойдаланишяпти. Айниқса,жазодан озод этилган, гиёҳвандликка рўжу қўйган шахсларни даволаш жараёнида уларнинг ҳаётга ҳамда атрофдагиларга мослашиб кетишларига катта эътибор қаратилаяпти. Улар ҳар томонлама шифокор кўригидан ўтгач муолажа қилинади. Даволаш жараёни тугаган сўнгги даврда ҳам улар дастлаб диспансер томонидан ҳар ойда бир маротаба, кейинчалик йилига бир марта кўрикдан ўтказилади.

Бизнинг наркологик диспансеримиз томонидан айни пайтда олиб борилаётган ишларнинг яхши самара бераётгани ҳаммамиз учун қувонарли. Бунда тажрибали шифокорларнинг хизматлари катта. Бугунги кунда диспансер замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозланиб, бу ерда олий тоифали ҳамда профессор даражасига эга шифокорлар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан, олий тоифали врач - нарколог Елена Попова, психиатр врач-нарколог Зафар Отабоев, психотерапевт Андрей Ким, ҳамда профессор психиатр Назира Хўжаеваларнинг алоҳида ўрни бор. Улар ҳар бир касал иложи борича тезроқ тузалиб, соғлом турмуш кечиришини таъминлаш учун фидойилик кўрсатиб ишлашмоқда.

**Абдумажид ПЎЛАТОВ**
**Тошкент шаҳар наркологик диспансери нарколог-шифокори**

